

Жалқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

7 март, жума, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 50 (1567)

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Республикамиз кино санъатини намоиш этиш, юрдошларимизни жаҳон киноси дурдоналари билан таништириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «ун иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.
5 март куни ана шу анжуман ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, маъмур ташкилий қўмита раиси У. Султонов бошқарди.
Мажлисла халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кун тартиби юзасидан «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси, ун иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали бош директори Т. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исmoilов ахборот берди.
Мажлисла Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов қатнашди. (ЎЗА).

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ЁЙИЛАДИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиш ислохотлар жараёнининг муҳим йўналишига айланди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бу борада кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда.

Жумладан, одамларни уй-жой билан таъминлаш ва бунга давлат томонидан қўмаклашиш тўғрисида махсус Фармон ва қарор қабул қилинди. Бу Ўзбекистонда ўтказилаётган инсонпарвар

сиёсатнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ пойтахтда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хиёбон ва кўчалар узгача файз касб

эди. Аҳолининг жамғарма маблағлари иштирокида уй-жой қуриш тажрибаси пайдо бўлди. Бир йилда 216 оила шу йул билан уйли бўлди. Бу йил эса 3000 та квартира қурилади. Муҳими, бу янгилик одамларда қизиқиш уйғотди. Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар устувор вазифа, деб белгиланган жорий йилда бу тажрибани кенг ёйиш эҳтиёжи туғилди. (Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТА МАКТУБ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ТАҚДИРИНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТАМИЗ!»



Инсон ҳаётида турли-туман учрашувлар кўп бўлса-да, уларнинг айримларигагина киши ёнида сақланиб қолади. Бундай азиз хотиралар фақат суратлардагина акс этиб қолмай, кўнглингиз ҳам гўзал мулкка айланади.
Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич! Эҳтимол ушбу сурат Сизнинг альбомингизда йўқ-дир. Лекин биз оиламиз билан уни ҳаммашар ардоқлаб сақлаймиз. Бу сурат бизга истиқлолнинг дастлабки йилларини, ёш давлатимиз мустақил атак-чекак қадам ташлаган пайларини, бунга россияликларнинг муносабатини, яна олам-жаҳон хотираларини эслатиб туради.

амалга ошириш барибир қўлларингиздан келмайди», -- деган. Азим ишларга шижоат тўямиз. Сиз юртин оёқ қилишга, оғир ва енгил сановатни, хусусан, машинасозликни ривожлантиришга, айниқса, маънавиятга қатта эътибор қаратмоқдасиз. Бу хизматларингиз эл-юрт назарида ўз қадрини топди, топмоқда. Келажак авлодлар ҳам бу хизматингизни ҳеч қачон унутмайди.
1997 йил 14 февралда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқири сессиясида сўзлаган нутқингиз, айниқса, бизни тўлқинлантириб юборди. Елкамиздаги масъулият юки янада ошди. Шунга ҳам имонимиз қимлик, фарғоналиклар ҳаётида янги бошқача бўлди. Чунки Сиз бизни савоб ишларга ундаганингиз қанча қаттиқ меҳнат қилсак, шунча дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фарворон бўлади. Мен яна бир гапни айтишни истар эдим, Ислам Абдуғаниевич, ёшларга ишониб жуда тўғри қилаёсиз. Улар давр билан елкама-елка боришга, юртимизнинг оғирини енгил қилишга қодир...

Кўни-кеча «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган бу сурат менинг ҳам ёдимда бир дунё таассуротларни уйғотиб юборди. Асаида бу суратнинг бир нусхаси менинг ижодхонамда турибди, лекин уни газета саҳифасида кўриш одамга бошқача таъсир қилар экан. Ўша термулиб туриб, ҳамон бир оёғимиз Москвада бўлган ўша пайларни эсга оладим. Ўша муҳитда, Кремлиннинг мажлислар залида, Ислам Каримов собиқ иттифоқ раҳбарлари билан Ўзбекистоннинг ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишганларига, Ватан ва халқ манфаати учун ўша маҳалларда қанчалар қатъият билан курашганларига мен тирик гўвоҳман.
Катта-катта мажлислардан чиқиб, Ислам ака билан Арбат кўчаси бўйлаб сайр этган пайларимиз бўлган, ўшанда ҳам у киши мамлакатимизнинг буюк келажакни ҳақида дадил-асос билан тўлиб-тошиб таъсир эдилар. Демократиклик, юрт учун қуниш, халқ учун жонини жабборга берин, буюк келажакка ишонч у кишида ўша пайларда жуда кучли эди.
Агар рўй-рост айтганим бўлса, Президентимиз: «Ўзбекистоннинг келажакда-

ги тақдирини ўз қўлимиз билан яратамиз!» деб қомил ишонч билан уқтирган пайларда ҳам кўпчилик таҳликада эди. Худди Ленин ҳам ўлмагандай, у мавзолейда ётиб бўлса-да, дунёнинг ярмини қўлдан чиқаришни истамаётгандай туюларди. Бу эса ўз навбатида ёш давлатимиз келажакка, минг битта оруз-хавасимизга таҳдид солиб турар эди.
Ўша нотинч, тарихнинг бурилиш даврида юртбошимиздаги қатъият беором кўнгилаарда қувват бағишлагани, нураи келажакка бўлган қомил ишонч кексаю ёшга қанот бўлгангайи ҳеч кимга сир эмас. Юртимизга осийиш омиб келган ҳам, ноаҳил авлодларнинг бошини бириктирган ва эзу ишларга сафарбар этган ҳам асаида шу қатъият, шу ишонч эмасми?
Юртбошимиздаги бу хислат бутун мамлакатга таътиб турибди. Шунинг учун ҳам кексаю ёш у кишини дуо қилади.
Суратга олмишнинг ихтиро қилиниши инсоният тарихидаги энг буюк қадиёт, деб биланам. Қараг-а, мана шундай азиз аҳзалар унда муҳралиб қолди. Халқ бу сурат бизнинг узок-узок авлодларимизга ҳам жуда кўп асқотади, тарихнинг бебаҳо дамлари ҳақида қимматли ҳикоя сўзлаб беради.
Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ХИЗМАТ СОҲАСИ КЕНГАЙМОҚДА
Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкисида 3 март куни йўл (харфлар логотипи) пластик ўпон картчаклари эгаларини суғурта қилиш бўйича шартнома имзоланди.
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкиси билан ЎЗ АИТ (харфлар логотипи) Ўзбекистон-Америка суғурта компанияси ўртасида тузилган шартнома шартларида мувофиқ, пластик картчаклар эгаларига текис шундай хизмат кўрсатилади. (ЎЗА).

лиқни такомиллаштириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш, турли тоифалигашлар ҳуқуқини ҳимоялаш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.
Маросимда БМТнинг таракқиёт дастури ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ўртасида «демократиялаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқаришни такомиллаштириш» дастури амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди. Уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холдид Малик ва инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази директори Акмал Саидов имзоледи. (ЎЗА).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз Президентининг Ислам Каримовнинг ўттин йил октябридаги Фармонида кўра инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази тузилган эди. 3 март куни Тошкентда ана шу миллий марказнинг таштанили очилиш маросими бўлди. Унда республика ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис вакиллари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий мамлакатлар дипломатик корпуслари ва халқаро ташкилотларининг вакиллари, меҳмонлар ҳозир бўлди.
Маросимда инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказининг директори Акмал Саидов, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон-

даги доимий вакили Холдид Малик, ЕХХТнинг демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори элчи Олри Гловер хоним сўзга чиқди.
Миллий марказнинг очилиши жамятини демократиялаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам эканлиги маросимда алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ҳукумати республикамизда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш борасида бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Конституциявий суд, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатларини мониторингинг институти ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси инсон

Қомил эҳтиром билан:
Эрашали **КАРИМОВ**,
Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармасининг етакчи мутахассиси,
Қумрихон **КАРИМОВА**,
Фарғона Давлат университетининг рус тилишунослик кафедраси мудири, филология фанлари номзоди,
Элдоржон **КАРИМОВ**,
2-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

1. Куласизми, куясизми?

Орик шигил мева тукан кезлар эди. Адашмасак, ун саккизинчи май кўни «Оқ сув» жамоа ҳужалигига бирин-кетин тўртта юк машинаси кириб келди. Уларга ортилган юк озмунча эмас, юз тонна, тагин хорижники, яна нима денг, картошка эди.
Шунча картошка худди осмондан тушгандай бўлди. Худо бераман, деса бераар экан-да. Шунинг учун ҳам каттаю кичкиннинг димоғи чок эди, елиб-югуриб насибани тушириб олишди.
Бундан бир ой олдин бироб бўлиб кетди, -- деса ҳеч ким ишонмасди, очиги, шунча уруғликни сотиб олишга ҳужаликнинг бели ҳам чидамасди, шуни билиб раҳмларин келдики, катталар ҳиммат қилишиди, насияга беришди, оёққа

туриб олишин, дейишдан-да! Кишини хурсанд қиладиган томони -- ортика расмиятчиликсиз, хамирдан қил суғургандай иш осон ҳал бўлди, ўзла-

ерларга картошка экилади, агар ҳар гектар ердан лозақал 150 центнердан ҳосил олинса ҳам, 400-450 тонна махсуслот озмунча даромад бўлмайди,

марта, кейин яна бир марта ишлов берилди, икки марта суғорилди, лекин қуруғ қароқадан дарак йўқ эди, сира униб чиқай, дея қолмасди. Унинг умнагани бир сари, деҳқонни умидвор қилиб қанчадан қанча ерни банд этиб ётарди. Вақт эса ўтиб борарди. Одамлар ташвишга туша бошлашди. Масалани бир ёқлик қилиш керак-ку! Ниҳоят, тумандан нуфузли комиссия ташриф буорди, ҳали у -- ҳали бу ерни ағдариб кўришиди, шундагина масала раванган бўлди -- уруғликка ишлатиладиган картошканинг унвчанлик ҳолати бир фозидан атғил олти фоғрача экан! Шунча меҳнат ҳайф кетди, ун етти гектар «картошқазор» ҳайдалиб, қайтадан сабзи экиладиган бўлди. Бошқа илож йўқ эди. Хар ҳолда, вақтни бой бермаслик лозим. Деҳқоннинг кўз тиккани -- шу ер, шу ҳосил... (Давоми 3-бетда).

«НОНИНГИЗНИ ТУЯ ҚИЛИБ БЕРАЙМИ?»

ёки картошка етиштиришда тўсиқ бўлаётган иллатлар

- «Келинг-келинг», «олинг-олинг!»
- Ташварҳини қопламаган картошка
- Энди нимасини айтасиз, бир шувалдай бўлиб қолди-да»
- Уруғлик муаммоси ҳозир ҳам кун тартибда турибди.

ри «келинг-келинг», «олинг-олинг!» деб... Хуллас, бир оталик қилишиди-да...
Хар ҳолда, ёмон бўлмади, галладан бўшаган

ҳужаликнинг бир томони «кўтариб» юборди. Ишга астойдил киришилди, йигирма гектар ер обдон қўлдан чиқарилгач, уруғ экилди. Аввал бир

бўлди -- уруғликка ишлатиладиган картошканинг унвчанлик ҳолати бир фозидан атғил олти фоғрача экан! Шунча меҳнат ҳайф кетди, ун етти гектар «картошқазор» ҳайдалиб, қайтадан сабзи экиладиган бўлди. Бошқа илож йўқ эди. Хар ҳолда, вақтни бой бермаслик лозим. Деҳқоннинг кўз тиккани -- шу ер, шу ҳосил... (Давоми 3-бетда).

ҚУТЛУФ КУНЛАР ҚУВОНЧИ

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ЁЙИЛАДИ



Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов бошқарди. Мажлисида Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлари, тегишли вазирлик, корпорация, уюшма, банк, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида таъкидландики, муштараклик йилларида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир миллиондан зиёд оила шахсий

уй қуриш учун ер олди. Уй-жой фонди тўла хусусийлаштирилиб, юрдошларимизнинг ҳақиқий мулкига айлантирилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашда, айниқса, Тошкент тажрибаси эътиборга лойиқдир. Республикани Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қўлайитириш тўғрисида»ги Фармони билан бажариш асосида пойтахтда «Тошкентуйжой-жамғармабанк» ташкил

етилди. Тажрибанинг ўзига хос жиҳати шундаки, аҳоли учун қуриладиган уйлар қўйиматининг 50 фоизи давлат бюджетидан қопланади, қолган қисмига эса аҳолининг маблағлари жалб этилади. Уларга бир қанча, хусусан, солиқ тўлаш борасида қатъий имтиёзлар берилди. Бу эски тузумдан қолган боғимандалик кайфиятига барҳам бериш, одамлар қўлидаги пулни ҳаракатга келтириш, муҳими -- аҳоли турмуш шароитини яхши-

лаш, шаҳарларимизни янада ободонлаштиришга имкон беради. Шу маънода, Тошкент тажрибаси мамлакат миқёсида қўллашга муносибдир.

Республика Бош вазирининг ўринбосари -- молия вазири Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, «Тошкентуйжой-жамғармабанк» бошқаруви раиси Т. Азимов мажлис кун тартибдаги масала юзасидан ахборот бердилар. Улар

Тошкент тажрибасининг афзалликлари, уни янада тақомиллаштириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталдилар. Бир қанча вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлари мазкур тажрибани республика миқёсида жорий этиш зарурлигини таъкидладилар. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов мажлисда сўзга чиқиб, Тошкент тажрибасини қўллаш буйича вилоят ва шаҳар ҳокимлари олдига турган вазифалар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов, Бош вазири ўринбосарлари қатнашди.



«Самарқандда» вилоят бошқармаси жамоаси 1997 йилда 450 километр масофага газ қурувлари ётказишни режалаштирган. Бу билан 12 миң хонадонга газлаштириш имконияти яратилган.



Бошқарманинг бу йил амалга оширадиган энг катта ишларидан бири Қурибот туманига газ тармоқларини тортишдир. Бу мақсад учун шу кунгача таъйин ишлар қилинган. Туманга газ ўтказишни жадаллаштиришда «Ўзбекистанга» бошқармаси катта мавқий ёрдам кўрсатилди. Беовосита уларнинг маблаг ҳисобига қурилиш-монтаж ишлари уювланди.

СУРАТЛАРДА: зайдочилар Е. Файзуев ва С. Богдасаров; иш пайти. Т. НОРҚУЛОВ (Ў.А.) олган суратлар.

ҚУРИЛИШ АМАЛИЁТИДА ЯНГИЛИК

Утган бир йилдан зиёд вақт мобайнида пойтахтдаги уй-жой қурилишига бўлган эътибор кучайтирилди. Эски, мuddатини айландирган утаб бўлган уйлар ўрнида янги вақт қад ростилай бошлади. Айниқса, 1996 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қўлайитириш тўғрисида»ги Фармони билан бажариш асосида пойтахтда «Тошкентуйжой-жамғармабанк» ташкил этилди.

Ҳақиқатан ҳам Президентимизнинг мазкур Фармонидан кейин Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат акционерлик уй-жой жамғарма банк -- «Тошкентуйжойжамғармабанк» ташкил этилди. Ушбу банкнинг олдида қўйилган асосий вазифа қурилиш учун кетадиган маблагнинг тенг ярмини аҳоли ҳамда нодавлат шаклидаги корхона ва ташкилотлар ҳисобидан, қолган ярми эса давлат бюджет томонидан таъминланиши мўлжалланди. Шунга қўра уйга муҳтож фуқаролар банкқа қаратилган баҳосининг 10 фоизи миқдорда дастлабки бадални тўлаганидан кейин иш бошлаб юборилиши қўлайитирилди. Дастлаб одамлар бироз ишонқурашмади. Чунки ҳали қурилмаган уйга пул тўлаб қўйиб, кўйиб юрганилар ҳам йўқ эмасди.

Қурилиш ташкилоти уй эгасига квартираси баҳосининг бир фоизи миқдорда жарима тўлаши керак бўлади. Қураясизки, шартлар жуда қатъий. Энг муҳими, аҳоли бундан ҳар томонлама ютаётди. Аввало, бизнинг банкка уй учун пул ўтказётган жисмоний шахслардан солиқ олинмайди. Хуқуқий шахс, яъни ташкилот ва корхоналар эса қўшимча қўйимат солиғидан озод этиладилар.

Ишининг шундай тартибда ташкил этилишида қурилиш ташкилоти қандай манфаат олади? -- У, биринчидан, доимий иш билан, иккинчидан, доимий маблағ билан таъминланади. «Тошкентуйжойжамғармабанк» банк қурувчилар пулини белгиланган мuddатда бериши шарт. Банк қурилиш ашёлари етказиб берувчилар билан ҳам худди шундай тартибда иш олиб боради. Бирон бир узилши бўлиши мумкин эмас.

Биз бугун -- муштаракликни муштараклаш йўлида яна бир муҳим соҳани, яъни уй-жой қурилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада ривожлантиришда яхши тажриба орттирдик дея оламиз.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 1997 йил -- инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Уй-жой қурилиши эса беовосита аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу боис жорий йил дастури бўйича 2000 та квартира фойдаланишга топширилди. 1998 йилда тикланиши лозим бўлган 1000 та квартира қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ушбу муҳим ишда бизнинг корпорациямиздан ташқари «Ўзсанот-ҳўжалиққурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Ўзжамғармақурилиш», «ЎртаОсиётрансқурилиш» ташкилотлари ҳам фалол иштирок этмоқдалар.

«Халқ сўзи» мухбири Темура АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда). 6 март кун Вазирлар Маҳкамасида ана шу уй-жой қурилиши борасидаги Тошкент шаҳри тажрибасини республика миқёсида омлаштириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлди.

Мажлисида таъкидландики, муштараклик йилларида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир миллиондан зиёд оила шахсий

ЯНГИ УЙДА ТУФИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

(Фоторепортаж)



Бугун кўна ва навқирон Шошнинг жамолига боқиб тўймайсиз киши. Муштараклик йилларида у ҳам энгига, ҳам бўйига кенгайди. Қурилиш ва ободончилик ишлари кечю кечю давом этирилимоқда. Бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг азму шижоати ҳамда филолияти яшил хиебонлар, адл ва равои-қўчалар, қўркам уй-жойлар тимсолида намойиш бўлмоқда. Бу уйларга кўчиб қираётган кишиларнинг қувончу ҳаяжонини айтмайсизми! Биз кўни-кеча шаҳримиздаги «Миробод» бозорининг шундоққона биқинида қад ростилаган тўрт қаватли янги турар жой биноларини қўздан кечирганимиз-

да, одамлар билан суҳбатлашганимизда юртбошимиз томонидан қабул қилинган Фармоннинг ҳақиқий аҳамиятига яна бир қарра имон келтирдик. 1-ўйсозлик комбинати бош муҳандиси Б. Черваккиннинг айтишича, ушбу турар жойлар саккиз ой ичда қуриб битказилган. 1997 йил арафасида одамларга янги уйларнинг қилини топширилди. Хоналарда ҳарорат мўтадил, иссиқ ва совуқ сув мўҳийи: Бугун-эрта газ қувурлари узатиш тармоғига уланади. Энг муҳими, 3 «а» ва 3 «б» деб номланган ва фуқароларнинг бошланғич маблағи ҳисобига қурилган мазкур уйларда яшаш учун барча шарт-шароит

мавжуд. ...Асфальт йулакдан Утарканмиз, чақалоқ овози беихтиёр диққатимизни тортиди. Деразаларига нафис дарларда тортилган 10-хонадоннинг эшигини чертадим. -- Келинг, -- дея бизга пешвоз чиқди ёш жувон. -- Ҳуқуқимизга раҳмат. Утган йил апрель ойида «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан шартнома тузиб, икки хонали квартира учун 89 миң сўм тўлагандик. Оранан етти-саккиз ой ўтган, уйлик бўлди. -- Раҳмат, -- дейди Гузал Муҳиддинова мамнулигини яширолмади. -- Улеим! Ахмад шу ерда туғилди. Ҳали бир ойлик ҳам бўлгани йўқ. Нимага айтасиз, биз учун қўшалок байрам. Ишқилиб хонадонлардан чақалоқ овози аримасин! Биз ҳам бу тилакка қўшилдик. Тўғри, янги турар-жойнинг баъзи кам-қўстлари бор. Улар, албатта, тузатилади. Энг муҳими, одамлар қисқа фурсатда бошпанали бўлдилар. Миллий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналари асосида қурилган ҳар икки бино ўзининг ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Бундай қўркам уй-жойлар шаҳримизнинг бошқа худудларида ҳам барпо этилаётгани ва тошкентликларга манзур бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Н. ТОШЕВ. СУРАТЛАРДА: янги уйда туғилган чақалоқ; шаҳримиздаги «Миробод» бозори ўнда қад кўтарган замонавий турар жойлар. С. МИХАЙЛОВ олган суратлар.

Қўшма Корхонанинг Янги Заводи

«Кока-кола» компаниясининг республикамизга кириб келиши санаотимиз ривожига муносиб хисса бўлиб қўшилди. Эндиликда табиий шароитимиз, иқлимимиз жаҳон талаблари даражасидаги бундай юқори сифатли салқин ичимликни қўллаб ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда.

Айни пайтда ушбу компания билан ҳамкорликда республикамизда «Кока-кола ичимлиги Тошкент АТД» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхона утган йил якунига қўра энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргани ва юқори кўрсаткичга эришгани учун Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни олгани ҳамда унинг республикамиздаги тармоғи «1996 йилнинг энг яхши қўшма корхонаси», деб топилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда ушбу корхона янада кенгайиб, ишлаб чиқариш қуввати кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, 1995 йилда унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми фаолият кўрсата бошлаган 1994 йилга нисбатан 3,4 марта ошган бўлса, утган йили бу кўрсаткич 21,4 баробарини ташкил этди.

Кўриниб турибдики, халқимиз севиб истеъмол қилаётган яхна ичимликка эҳтиёж катта. Шунинг учун ҳам Наманганда компаниянинг яна бир янги, яъни республикамизда учинчи заводини қуришга киришилди, қисқа фурсатда фойдаланишга топширилгани бежиз эмас. Негаки, у нафақат Наманган балки, Андижон ва Фарғона вилоятлари аҳолисини ҳам кока-кола ичимлиги билан таъминлайди.

Наманган шаҳрида ушбу завод ишга тушиши муносибати билан 160 нафар киши доимий иш билан таъминланади. Бу ерда кўнига 18 миң ишчи юқори сифатли ичимлик қадоқланмоқда. Ҳозир бу салқин ичимликни Фарғона водийсининг исталган манзилга етказиб бериш учун махсус жиҳозланган 12 та юк автомашинаси хизмат кўрсатмоқда. Яқин кунларда юк машиналари сон 17 тага етказилади.

Абдуҳошим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент телефон тармоғида Германиянинг «Акатель» фирмаси билан ҳамкорликда ўн миң абонентга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлган яна бир янги электрон автомат-телефон станцияси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: янги 73-АТС инженери Р. Раҳимова ва оператор С. Кочариян устида.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.



Advertisement for Uzdunrovita cellular phone service. It features a mobile phone image and text in Uzbek. The text promotes the service's modernization, coverage in Samarkand, and provides contact numbers (8-366-2) 38-40-10, 38-40-40, 38-44-02. It also mentions a 30-09-09 number and a tariff plan with 31-49-90 minutes for 1 ruble.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

РЕКТОР БОШ ВАЗИР БЎЛДИ. Корея Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош вазири Ли Су Сон раҳбарлигида истеъфода қичди.

Корея Президенти Ким Ён Сам шу кунгича Менджи университет ректори, Сеул шаҳрининг собиқ ҳокими Ко Гонни мамлакат Бош вазири этиб тайинлади. Оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Жанубий Кореяда ҳукумат инқирозининг юзага келиши сўнгги пайтларда қўллаб-қувватлаш аҳоли ва сисбатчиларнинг порахўрликда айблангани билан боғлиқдир.

ҲАММАСЛАК ҚИДИРИЛМОҚДА. Маълумки, Руминияга 1999 йилда НАТО ҳамда Европа Иттифоқига аъзо бўладиган илк номзод давлатлар рўйхатидан жой олиш натижасида.

Болқон ярим оролида жойлашган мазкур давлат эндиликда Фарбий Европалдан ўзига ҳаммаслақ қидирмоқда. Руминия сенати раиси Петре Романо ана шу мақсадда Испанияга ташир буюрди.

Испания ташқи ишлар вазири Абел Матеуснинг таъкидлашича, Испания Руминиянинг НАТОга тезроқ аъзо бўлиши тарафдоридир. Лекин мамлакат унга бозор иқтисодиётига ўтган тақдирдагина Европа Иттифоқи уни ўз сафига қабул қилиши мумкин, деди у.

АВВАЛГИ ШУҲРАТИНИ ТИКЛАМОҚДА. Бир пайтлар сайёҳларнинг севишли гўшаси бўлган Ялта оромгоҳлари сўнгги пайтларда анча назардан четда қолиб кетган эди.

Бугун иқтисодий инқироз орта чекинаётган бир пайтда Украина, хусусан, Қрим ярим оролидаги оромгоҳлар ўзининг аввалги шўҳратини тикламоқда. Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилда Қрим беш миллион нафар дам олувчини қабул қилишга ҳозирлик қўраётди.

САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ. Америкада чоп этиладиган «Бостон глоуб» газетасининг ёзишича, АҚШ ташқи сисётида, жумладан, НАТОни кенгайтириш билан боғлиқ Ок уй тугган сисётида америкалик сайловчиларнинг таъсири каттадир.

«Президент асли келиб чиқishi Польша, Болтиқбўйи ҳамда Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларидан бўлган сайловчиларнинг беовосита таъсири туфайли НАТОни кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилган эди», -- деб ёзди «Бостон глоуб». -- Энди бу иш Россия ва бошқа давлатларнинг қаршилигига қарамай, охирига етказилиши керак». Агар Президент Билл Клинтон ўз қарорини қайта қўриб чиққудай бўлса, бу Американинг «мағлубияти» бўлади, деб ёзди газета.

АБДУЛЛА КОДИРИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

МУҶИЗА ЯРАТТИ САЪЯТИ


Ортиқали ака билан гурунгимиз ўз-ўзидан чиқиб кетди. У тасвирий санъат соҳаси, нозик кирралари ҳақида тўқинлаб сўзлади. Мен эса деворлардаги тавиш-нотаниш, ранг-баранг мавзулардаги суратларга раъм соларканман, ижодкор тафаккурининг чексиз қудратидан ҳайратландим. Ҳа, буюқлардан яратган бундай мўъжизалар маънолар жилвалари ила дилларга латиф бир ғўғлик олиб кира бошлайди. Аслида инсон хамиша мўъжизага интилиб яшайди.

Санъат -- адабиётда сўз билан, мусикада оҳанг орқали, суратларда эса буюқлар воситасида яратилишини яхши билмади. Лекин улар бир-бири билан кўринмас ришталар орқали узвий боғлиқдир. Истеъдодли мусавир ўз асарларида мана шу учла жатти ҳам уйғулаштира олади. Хусусан, Ортиқали Қозоқов яратган суратлардаги сўз ва оҳанг заъвори улардаги буюқлар жилосидан асло кам эмас. Унинг «Намозом» асари бу фикримизнинг далилидир. Суратда олтинранг ёдуга чўлганган тарихий обида тасвирланган. Унинг остонасида бош эгиб ўтирган одам гўё ўғмиш суронларидан эртас сўйлайди. Сиз унинг «нақилари»ни кўрсиниб-кўрсиниб тинглайсиз, мана шу муҳташам ва собит иморат каби буюқ бўлган маънавийликнинг бошидан кечирган қулфатларни ҳис этасиз. Бирок ўша мунавар нурлар секин-аста ўша одамни-да ёрита бошлаганигини кўриб, кўнглингизга латиф бир ғўғлик инди. Суратни томоша қилётганингизда жамини сезиларлигини бир жойга тўплаб, унга қулқ солдинг. Шунда ранглардан таралётган жарангдор мусиқа руҳингизни аллалай бошлади. Сиз кўлловчи ранглар секисидан маънавий баҳра олдинг...



Мусавир асарларини кўздан кечирётганингизда улар замирида қанчалик машаққатли ижодий меҳнат, қувонч ташвишлар ётгани ҳақида ҳеч ўйлаб қурганимиз? Умуман, санъат асари қай йўсонда дунёга келди? Албатта, ижодкорларда бу жараён турлича кечиши мумкин. Ортиқали Қозоқовнинг ҳам «Қулфат хайкириги» номи машҳур картинасининг дунёга келиши тарихи жуда қизиқ бўлган. 1990 йил баҳорининг мусавиро кўнларидан бирида у ўзи туғилиб ўсган Поп туманидаги сервикор тоғлар бағрида табиат манзарасини матога кўчирди эди. Шу пайт ўзи турган тоғнинг этагидаги галати манзарасига нигоҳи тушиб қолди. Опоқ соқолли чол ноҳуд бўлган кўйни эшакка боғлаб, судраб борарди. Бечора жонивор оғир юкни зўрга тортар, чол эса уни жон-ҳаҳди билан саваларди. Азобларга дош беролмаган эшак жон ҳолда хангаб юборди. Унинг товуши чор атрофдаги тоғ-тошларга урилиб, жуда хунук, ваҳимали акс-садо берди. Бундан расмонинг юраи оғрага тортиб кетди. Чунки у ўша акс-садо замирида қулфат хайкиригини туйган эди. Ишларини тугаллаб, шаҳарга қайтган, орадан бир неча ойлар ўтиб кетган бўлса-да, бирок ўша воқеа сира куз ўнгидан кетмасди. Ниҳоят, «Қулфат хайкириги»ни ранглар воситасида матога ифодалашга қарор қилди. Дастлаб бунинг учун қизил буюқлардан фойдаланди. Бирок неғадир ҳечам асарини тугалла олмасди. Унда ўзи тасвирламоқчи бўлган хайкирик йўқ эди.

Чала қолган асар ана ойлаб устaxonда ётаверди. Нима бўлди-ю, бир кун тунда расмом бу ерга кириб қолди. Қоронга хонга кўча чирокларидан тўшайган нур бир чекадаги ўша суратни ёритиб турарди. Алвон ранглар билан ишланган суратдан эса ана шу замиғна нур таъсири...



моҳиятини теран ҳис эта олиши керак. Бундан яхши ижодкор бўлиш кийин. Серкўш Ўзбекистон табияти эса хилма-хил, ёрқин ва сержило буюқларга жуда бой. Шу боис ҳам у инсон қадар табият кўйида ижод қилишга интилади. Бу эса унинг «ранглар фалсафаси»ни янада чуқурроқ англаб етишида ердан беради.

да кўкиш-зангори шуъла тараларди. Мусавир хайратланди, йўқотил нарсанинг топгандан бўлди. Демак, қулфат хайкиригини қизил буюқлар эмас, балки яшил ранглар яққолроқ ифодалай олади. У дарҳол ишга тушди... Мусавир ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланган етук бир асар ана шу тарика яратилган эди. Ҳатто, расмонинг ўзи ҳам унинг зўр картина эканлигини эътироф этишни ноқамтарликка йўймайди. Ортиқали Қозоқов Фарб тасвирий санъатида етакчи ўрин тутган модернизм мактаби тасвирчиларини ҳам чуқур ўрганган. Ушбу йўналиш даргалари бўлиши Сальвадор Дали, Пабло Пикассо, Анри Матис, Поль Сизан, Ван Гог сингари дунёга машҳур мусавирлар ижодидан баҳрамандлик унинг ижодида ҳам бурилиш ясади. Аслида, у шароит тақозосига қўра реалли мактаби рўида тарбияланган. Махсус таълимотта қўра расмом ҳам воқеликни асл ҳолида тасвирлаши шарт. Бирок инсоннинг ҳаёлот олами шу қадар чексиз ва беҳисоби, лаҳзаларда унинг «чигирини»дан беҳисоб фикрлар, кечинмалар липпилаб ўтиши мумкин. Модерн санъатида бу жараённи «онг оқими» дейишади. Унинг вақилари эса бевосита ана шу жараённи таъдиқ этиш орқали инсоннинг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Санъат миллат танламайди. Инсон тафаккурининг ноёб маҳсули бўлиши тасвирий санъат асарларини тушуниш, ҳис этиш учун эса тўп биллиш шарт эмас. Фақатгина кишида нозик дид, рангларни ҳис эта олиш қобилияти бўлса, кифоя. Ортиқали Қозоқов асарлари бугун нафақат мамлакатимизда, ҳатто Америка, Франция, Италия, Япония, Англия, Испания, Бельгия, Туркия, Кипр, Югославия, Мароқаш, Канада, Исроил, Голландия, Швейцария каби ўнлаб хорижий мамлакатлардаги галерейлар ва шахсий коллекциялардан ҳам ўрин олган. Унинг ижод намуналари қатор халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этиб келинапти. Яқинда эса расмом Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бош директори А. А. Боттич номида мазкур уюшманинг Женевадаги штаб-квартираси галерейсида унинг ижодий кўргазмасини ташкил этиш ҳақидаги тақлифномани олди. Бу эса Ортиқали Қозоқов тасвирий санъатини қўллаётган санъатига берилган юксак баҳодир. Биз субатлашган кўни мусавир «Чанқовчи оҳангли» номи янги асар устида ишлайётган экан. «Чанқовчи» номи бунинг бошланишидан дарак беради. Бир парча матога-ҳосил бўлган тароватли манзарани кўздан-кечирарканман, шу мўъжизага устaxonда яшарини фаслининг илк нақилларини туйғайдидай бўлдим. Фафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзсаноатқурилишбанк – ўз мижозларининг пул ресурсларини амалкорлик билан амалга оширувчи молиявий универнал бўлиб, қўйидаги кўплаб хизмат турларини тақдим этади:

- тижорат векселларини ҳисобга олиш;
- валюта алмаштириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини жамғарма депозитларга қабул қилиш;
- узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар бериш;
- жамғарма операциялари;
- траст хизматлари;
- молиявий маслаҳат;
- қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича брокерлик хизматлари;
- асбоб-ускуналар лизинги;
- тўлов ва ҳисоб-китобларни тезлаштирилган усулда амалга ошириш;

Ўзсаноатқурилишбанк 1997 йил 1 мартдан эътиборан бадавлат кишиларга банк хизматининг янги тури -- банкдаги пулат сандиқларни ижарага беришни тақлиф этади.

Хурматли тadbиркорлар, қорхона, ташкилотлар раҳбарлари ва республика фуқаролари,

Ўзсаноатқурилишбанк хизматларидан фойдаланингиз!

Қулайлик -- Ўзсаноатқурилишбанк хизматларининг умумий хусусиятидир.

ДИККАТ! ДИККАТ! МУҲТАРАМ ДУСТАЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг пул-ютуқли "ХАЗИНА-2" лотереясини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олингилар!

Лотереянинг баҳоси 25 сўм.

Ушбу лотерея ўйинида:

10 та	50 000 сўм
15 та	20 000 сўм
20 та	10 000 сўм
30 та	5 000 сўм
45 та	1 000 сўм

ва ҳақазо ютуқлар бор!

Лотереяларнинг тиражи 1997 йил 29 майда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тиражда 50 миллион сўмлик ёки 525000 та ютуқ бор. Бу лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарсани йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси ҳамда энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз!

"ХАЗИНА-2" лотереяларини сотиб олишга шошилинг!

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ЕР ДАРЖАДА ФАРМА ХИЗМАТИ

ТРИДАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетик бўлишингиз учун

Шаҳар дорихоналаридан сўраг

Давлат мулки қўмитаси ҳузурдаги Қилматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча акциядорлик жамиятлари 1996 молиявий йил тугагандан кейин олти ой мобайнида жамиятларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини белгиланган тартибда ўтказишлари лозимлигини маълум қилади. Умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширишдан ўтказишлари керак.

Йиғилишларнинг ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотномаларни ўз вақтида марказнинг жойлардаги ҳудудий бўлиналарига тақдим этишларингизни сўраймиз.

1997 йил 10 - 14 МАРТ КҲНАРЦИ

"Ўзбексавдо" уюшмаси ва "Ўзбекбирлашув" бошқаруви "Ёшлик" спорт мажмуасида республика саноат қорхоналарида ишлаб-чиқарилган халқ истеъмол молларининг улгуржи савдо ярмаркасини ўтказида.

Ярмарка барча савдо ташкилотлари, савдо идоралари, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий ва жамоа қорхоналари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат қорхоналари 1997 йилги улгуржи шартномалар тузиш учун тақлиф этилади.

Маълумот учун телефонлар: 39-10-90, 39-11-86, 39-43-97.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

SAMSUNG

Телефонлар SP-R916

900 MHz Cordless Phone

Фирма дўконлари

Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712) 42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Кодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон.	(3712) 41-46-38
Кало Холдинг	Тошкент	Бешёғоч, Туроб Тула кўчаси, 2	(3712) 45-36-05
Кало Холдинг	Тошкент	Қоратощ, Хўжаев кўчаси, 2	(3712) 45-35-33
TOU Ко.Лтд.	Тошкент	Ҳамид Олимжон кўчаси, 13 "А"	(3712) 33-31-08
TOU Ко.Лтд.	Тошкент	Амир Темур кўчаси, 110	(3712) 34-02-58
Отaxon	Фаргона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3712) 24-78-76
Наврўз	Анджон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422) 43-8-60
Интек	Ашгабат	Туркманбоши кўчаси, 25/22	(3632) 350238-44
Кафолат	Душанбе	Пушкин кўчаси, 85	(3772) 21-81-22

Кенгайиши - 4 та трубкагача. Интерком. 12 разрядли ЖК дисплей. Фойдаланиладиган каналларнинг диапозони кенг. Рақамли пароль. Таъминот батареясининг ҳолати индикцияланади. Кириш белгилари топқоқни очмай қабул қилинади. Хотираси 21 рақамгача. Товушлар танлаб қайта узатилади. Охириги номер такрорланади. Кенгайиш трубкалари автомат усулда номерланади. Таъминот батареяси қуввати тугайганидан оғохлантиради. Сигнал етиб бора оладиган зонадан ташқарига ўтилганлиги ҳақида оғохлантиради. База блоқи конструкцияси - деворга осилади, столга қўйилади.

"SAMSUNG Electronics" компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни ҳамкорликка чақиради. Алматыдаги омбордан тўридан-тўри етказиб берилади.

"Самсунг Электроникс Ко." Алматы офис: Алматы, Орбита-3, 52"А"-уй. Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05, 20-48-24. Факс: 20-12-38.

"ОПТОЙ"

Радителефон алоқасидан фойдаланувчи барча абонентларига!

Кўча алоқа воситаларидан фойдаланиш қорхонаси ўз абонентларига маълум қиладики, у очик турдаги "Автоалоқа" акционерлик жамиятига айлантирилди. Абонентларнинг қорхона билан тузган барча шартномалари очик турдаги "Автоалоқа" акционерлик жамияти билан ҳам юридик кучини сақлаб қолади. Шу билан бирга маълум қиламизки, абонентлик тўлови бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ва давлат алоқа инспекциясининг 1997 йилги ва кейинги йиллардаги фойдаланганлик учун йиғимлари "Автоалоқа" акционерлик жамияти ҳамда унинг вилоятлардаги бўлиналари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон масъул ходими А. Махсумова акаси **Ақром МАХСУМОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг шу тизимдаги Самарқанд вилояти гидроэкология-мелиоратив экспедицияси бошлиги Шойман Султонов отаси **Жўра СУЛТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг истеъдодли белгилан, устулвий ва ахборот республика маркази жамоаси марказ директори, сани-атшунислик номзоқи, доцент Ж. К. Раҳмонов отаси **Хуршид РАСУЛПОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Алдан вазирининг меҳнат жамоаси вазирлигининг масъул ходими Этамтой Ирismetов отаси **ОБЛА** акасини вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон филиал академияси қишлоқчилик ва радиология институтини жамоаси клиника бўлимининг жарроҳи **Баҳром ХўЖАЕВ**нинг беваку вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариноқларига чуқур таъзия билдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президенти, Биология филиали бўлими УР ФА академиги Ж. Сааторов отаси **Хасан РЎЗИКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Матбуат 36-35-60; Туни муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вазир 33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Жалилов. Навбатчи — Ф. Юсупов. Мусахҳиҳ — А. Худойқулов.